

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИГАМБЕРДИЕВ СУЛТОНМУРОД ХАЛМУРАТОВИЧ

ИНВЕСТИЦИОН БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Игамбердиев Султонмурод Халмуратович

Инвестицион банклар фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш 3

Игамбердиев Султонмурод Халмуратович

Совершенствование управления деятельностью инвестиционных
банков..... 29

Igamberdiev Sultonmurod Khalmuratovich

Improving the management of investment banks
activities..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИГАМБЕРДИЕВ СУЛТОНМУРОД ХАЛМУРАТОВИЧ

ИНВЕСТИЦИОН БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Iqt236 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tdiu.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Иминов Одилжон Каримович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Рахимова Дилфуза Нигматовна**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Суёнов Дилмурод Халмуродович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю. Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н. Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.А. Маҳкамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро амалиётга кўра, инвестицион банклар иқтисодиётнинг реал секторини қимматли қоғозлар бозори воситалари орқали молиялаштиришнинг асосий институти, молиявий воситачи, инвестордан корпорацияга капитал оқиб ўтишини таъминловчи сифатида намоён бўлмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида чекланган ресурслардан энг мақбул йўлда самарали фойдаланиш мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлиги, барқарор ўсиш суръатлари ва пировардида аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Айни пайтда, республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоқ ва корхоналарида, хусусан, молиявий воситачилик тизимини ташкил этувчи тижорат банкларида бошқарув самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, бозорда рақобат устунлигидан оптимал фойдаланиш асосида тижорат банклари фаолияти самарадорлигини таъминлаш бугунги кунда муҳим масала ҳисобланади.

Халқаро молиявий хизматлар бозорида банкларга рақобатчи сифатида «P2P» платформасида молиявий воситачиларсиз банк хизматларини кўрсатувчи компанияларнинг ривожланиши ва тижорат банклари ликвидлилигига нисбатан халқаро талабларнинг кучайиши банк муассасаларининг қиймат занжирини ташкил этувчи бизнес жараёнлари ва тузилмасини мунтазам такомиллаштириш, инвестицион банк хизматларини миқдорларга етказишда рақамли технологияларни фаол қўллаш орқали хизматлар оммабоплигини оширишни талаб этмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда замонавий банк хизматларини ривожлантириш асосида тижорат банклари рақобатбардошлигини ошириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналиши доирасида «банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш», шунингдек, «суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматлар ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш»¹ вазифалари белгиланди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». www.lex.uz.

«Юқоридаги икки устувор вазифалар ижросини таъминлашда республикамиз банклари бошқаруви томонидан менежментнинг замонавий усуллари жорий этиш ҳамда банкларнинг фонд бозоридаги фаоллигини ошириш, маркет-мейкерлик вазифасини тўғри ташкил этиш орқали мутлақо янги инвестицион банк хизматларини кўрсатиш каби муҳим йўналишларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Банклар инвестицион фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, инвестицион банкларни тартибга солиш ва бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ёритиб беришга қаратилган илмий тадқиқотлар Ж.Розенбаум, Д.Ананд, Дж.Синки, У.Шарп, Р.Колб, Дж. Ван Хорн, Р.Брейли, С.Майерс, С.Жеффер, Х.Дэвис каби хорижий олимлар томонидан амалга оширилган².

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Т.М.Адекенов, Б.Б. Рубцов, К.В.Кочмола, Я.М.Миркин, А.В.Рамазанов инвестицион банклар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш муаммоларини ўрганишга ҳисса қўшганлар³.

² Joshua Rosenbaum, Joshua Pearl. Investment Banking. John Wiley & Sons, Inc, 2009; Anand D.N., Galetovic A. Investment Banking and Security Market Development: Does Finance Follow Industry? Harvard: HUP. 2001, P. 9.; Синки Дж. Управление финансами в коммерческих банках. – М., Catallaxy, 1994. – 820 с.; Брейли Р., Майерс С., Принципы корпоративных финансов. – М., 1997. Ван Хорн Дж. Управление финансами. – М., 1996; Колб Р.У. Финансовые деривативы. – М., ИИД. Филинь, 1997; Шарп У.Ф., Александр Г.Дж., Бейли Дж. В., Инвестиции. Перевод с английского – М., ИНФРА–М, 1997; Sohail Jaffer. Islamic Investment Banking: Emerging Trends, Developments and Opportunities. London, Euromoney Institutional Investor PLC, 2010 – P. 21; Davis H. The Definition of Structured Finance. Results from a Survey. The Journal of Structured Finance. – 2005 – №3 – P.5-10;

³ Адекенов Т.М. Банки и фондовый рынок. М., Ос-89, 1997 – 160 с.; Рубцов Б.Б. Зарубежные фондовые рынки: инструменты, структура, механизм функционирования. – М., ИНФРА–М, 1996 – 340 с.; Кочмола К.В. Инвестиционная деятельность коммерческих банков. – М., Контур. 1998 – 144 с.; Миркин Я.М. Рынок ценных бумаг. Учеб. пособие. – М., 2002 – 56–57 с.; Рамазанов А.В. Направления регулирования инвестиционной активности участников фондового рынка. Экономика и управление. 2013. №1 (12) – 119 – 121 с.

Мамлакатимизда тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини ташкил этиш масалалари Н.Х.Жумаев, Н.Ғ.Каримов, И.Л.Бутиков, Д.М.Расулев, О.К.Иминов, У.А.Бурхановларнинг илмий ишларида⁴, банкларда бошқарув тизимини такомиллаштириш, хусусан, корпоратив бошқарув, инновацион менежмент ва риск-менежмент масалалари Б.Ю.Ходиев, Н.Қ.Йўлдошев, Д.Н.Рахимова, Ш.Н.Зайнутдинов, Д.Х.Суюнов, А.А.Хошимов, М.Б.Хамидулин, Р.Р.Тожиев, Ф.Н.Насриддинов, Р.Р.Абдураупов ва У.И.Джуманиёзовнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган⁵.

Бирок, маҳаллий олимларимизнинг илмий ишларида тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, инвестицион банк фаолиятидаги бизнес-жараёнлари ва уларни оптималлаштириш, инвестицион банк фаолияти самарадорлигини бошқариш масалалари мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган. Шу муносабат билан инвестицион банк мақомига мос келувчи республикамиз тижорат банклари инвестицион фаолиятини бошқариш механизмларини мазкур диссертация иши доирасида ривожлантириш илмий-амалий қизиқиш уйғотади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник, технологик қайта жиҳозлашда, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларининг тезкор янгилинишида инновацион маркетинг ва менежмент

⁴ Жумаев Н.Х., Абдурахмонов О.Қ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi: сабаблари ва уни баргараф этиш муаммолари. Монография. Академнашр. 2010 – 160 б.; Каримов Н.Ғ. Ўзбекистон Республикасида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш йўллари. Монография. – Тошкент, 2007; Бутиков И.Л. Проблемы формирования и функционирования рынка ценных бумаг в Узбекистане. ТМИ. диссертация д.э.н. – Т., 2009 – 416 с.; Расулев Д.М. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида инвестицияни молиялаштиришни эконометрик моделлаштириш (банклар инвестицияси мисолида). и.ф.д. дисс. – Т., 2003 – 252 б.; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш йўллари. и.ф.д. дисс. автореф. – Т., 2002, – 38 б.; Бурханов У.А. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда капитал бюджет тузишнинг услубий жиҳатлари. Экономика и финансы. – 2013 – № 9, 41 - 46 б.;

⁵ Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Мамлакатни жадал ислох этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг манتيкий босқичи. Илмий-оммабоп рисола. – Т., ТДИУ, 2008 – 53 б.; Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Гольдман Е.Д. Инновацион менежмент. Дарслик. – Т., Иқтисодиёт. 2011 – 312 б.; Рахимова Д.Н., Зайнутдинов Ш.Н. Корпоратив бошқарув асослари. – Т., Академия. 2006 – 47 б.; Суюнов Д.Х. Бизнес муҳитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмининг жорий этишни такомиллаштириш. и.ф.д. дисс. – Т., 2008 – 261 б.; Хошимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни бошқариш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. дисс. – Т., 2007 – 338 б.; Хамидулин М.Б. – Корпоратив маданият ва корпоратив бошқарув. – Т., Академия. 2007 – 224 б.; Тожиев Р.Р. Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришнинг инновацион стратегияси. «Агробанк» ОАТБ мисолида. и.ф.н. дисс. автореф. – Т., 2011 – 28 б.; Насриддинов Ф.Н. Тижорат банкларида риск-менежмент тизимини такомиллаштириш йўллари. и.ф.н. дисс. автореф. – Т., 2012 – 26 б.; Абдураупов Р.Р. Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш. и.ф.д. дисс. автореф. – Т., 2016 – 28 б.; Джуманиёзов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш. икт. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т., 2017 – 26 б.

концепцияларидан фойдаланиш методологияси» мавзусидаги илмий йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инвестицион банк фаолиятини тартибга солиш ва бошқаришнинг халқаро стандартлари ҳамда амалиёти талаблари асосида Ўзбекистон банклари инвестицион фаолияти бошқарувини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

банк фаолиятини бошқариш назарияларини тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг асосий қоидаларидан инвестицион банк фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда фойдаланиш юзасидан илмий хулосалар шакллантириш;

«инвестицион банк» тушунчаси, унинг моҳияти, ривожланиш омиллари ва фаолият турларига хусусиятларни аниқлаш ва тизимлаштириш;

инвестицион банк фаолиятини ташкил этиш моделлари ва уларда бизнес жараёнларини бошқариш жиҳатларини тадқиқ этиш;

инвестицион банк фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш бўйича халқаро стандартлар ҳамда хорижий амалиётни тадқиқ қилиш асосида мавжуд тенденцияларни аниқлаш ва баҳолаш;

тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш;

республика тижорат банкларининг инвестиция фаолияти самарадорлигини баҳолаш;

республика тижорат банкларида инвестицион фаолиятни бошқаришни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш ва илмий жиҳатдан асослаш.

Тадқиқотнинг объекти этиб мамлакатимиздаги инвестицион фаолияти кенг ривожланган тижорат банклари танланган.

Тадқиқотнинг предмети инвестицион банклар ва тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини бошқариш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ёндашув, қиёсий ва таркибий таҳлил, статистик таҳлил, эксперт баҳолаш, монографик ўрганиш, танлама адабиётлар таҳлили каби илмий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

универсал банк тузилмасида манфаатлар қарама-қаршилиги муаммосининг йўналишлари аниқланган ва манфаатлар қарама-қаршилиги конценциясининг мустақил инвестицион банк модели самарадорлигини асослашга хизмат қилиши илмий жиҳатдан асосланган;

банк кенгашларининг тижорат банклари стратегик бошқарувидаги масъулиятини ошириш мақсадида кенгашлар таркибини оптималлаштириш ва аъзоларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш таклифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда инвестицион банк хизматларини ривожлантиришни амалдаги универсал банк модели асосида ташкил этиш ва бошқаришнинг зарурий шарт-шароитлари асослаб берилган;

инвестицион банк функциясини бажаришда фонд рисклари ва операцион риск даражасининг ортишидан келиб чиқиб, рискларни бошқариш стратегиясини шакллантириш, бозор рискларини ўлчашнинг VaR (value at risk) усулидан фойдаланиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

республикамиз тижорат банклари бошқарув тизими самарадорлигини таъминлашни қуйидаги йўналишлар бўйича амалга ошириш имкониятлари баҳоланган:

банк кенгашларининг таркибини оптималлаштириш, хусусан, малакали мустақил аъзоларнинг сонини ошириш орқали, кенгашнинг стратегик бошқарувдаги ролини янада мустақкамлаш ва фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиб берилган;

банк кенгаши аъзоларини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, хусусан, фаолияти самарасидан қатъий назар «барчани бирдек рағбатлантириш» принциpidан воз кечиш ва шу асосда кенгаш аъзоларининг индивидуал масъулиятини ошириш белгиланган;

банк кенгаши аъзоларини мукофотлаш учун асос бўладиган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича саволнома мазмун жиҳатдан тубдан такомиллаштирилган;

миноритар акциядорларнинг банк стратегик бошқарувида иштирокини фаоллаштириш йўллари таклиф қилинган.

инвестицион банк хизматларини ривожлантириш мақсадида республикамиз тижорат банклари бизнес жараёнлари ва ташкилий тузилмасини уч йўналишда, яъни «қимматли қоғозлар бозоридаги операциялар», «корпоратив молиялаштириш», «лойихавий молиялаштириш» йўналишлари бўйича такомиллаштириш таклиф этилган;

Ўзбекистонда инвестицион банк хизматларини ривожлантиришнинг зарур шарт-шароитлари сифатида тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш, бозор рискларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, банкларнинг корпоратив назорат бозоридаги иштирокини рағбатлантириш, тижорат банкларининг бизнес-жараёнлари моделини такомиллаштириш, Марказий банкнинг барқарор акциядорлик жамиятлари корпоратив қимматли қоғозлари билан очиқ бозор операцияларини йўлга қўйиш масалалари асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида қўлланилган ёндашув, усуллар ва статистик маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва самарадорликни баҳолашнинг математик-статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инвестицион банк фаолияти ва уни бошқаришнинг комплекс тарзда илк бор тадқиқ қилиниши билан боғлиқ бўлиб, бу республика тижорат банкларининг инвестицион салоҳиятини ошириш, уларни бошқариш самарадорлигини таъминлаш йўллари аниқлаш ва баҳолаш имконини беради. Тадқиқот натижаларидан тижорат банкларининг фонд бозоридаги операциялари ва инвестицион кредитлари билан боғлиқ рискларни бошқаришни такомиллаштиришнинг концептуал асослари, усул ва моделларини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклифлар инвестицион банк фаолияти учун узоқ муддатли ресурсларни шакллантириш, капитал етарлилиги талабларини халқаро стандартларга мослаштириш, муаммоли инвестицион кредитлар салмоғини пасайтириш, банklar бошқаруви тизими самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда инвестицион банк фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган вазифаларни бажаришга қаратилган чоратadbирларни ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инвестицион банklar фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

банк кенгашларининг тижорат банклари стратегик бошқарувидаги масъулиятини ошириш мақсадида кенгашлар таркибини оптималлаштириш ва аъзоларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш таклифи «Агробанк» акциядорлик тижорат банки ва «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки амалиётига жорий этилган («Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг 2018 йил 26 февралдаги 24-2-44/334-сон ва «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг 2018 йил 4 майдаги ТА01-11/3648-сон маълумотномалари). Натижада «Агробанк» акциядорлик тижорат банкида корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини таъминлаш, бошқарув органлари ўртасидаги муносабатларни тўғри ташкил этиш, банк кенгаши фаолияти самарадорлигини ошириш имкони яратилган. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкида банк кенгаши аъзоларини рағбатлантиришда ҳар бир аъзонинг кенгаш фаолияти самарадорлигига қўшган ҳиссасини ҳисобга олиш, шундан келиб чиқиб, мукофот ҳажмини аниқлаш белгилаб олинган;

республика тижорат банклари инвестицион банк функциясини тўлақонли бажариши учун етарли капитал базасига эга бўлишини қўшимча акцияларни муомалага чиқариш ҳисобидан таъминлаш таклифи «Агробанк» акциядорлик тижорат банки томонидан қабул қилиниб, амалиётга жорий этилган («Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг 2018 йил 26 февралдаги 24-2-44/334-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг устав

капитали 2016 йилга нисбатан 588 фоизга кўпайиб, 2162,9 млрд. сўмни ташкил этган;

тижорат банкларининг бизнес жараёнларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича берилган таклиф «Агробанк» акциядорлик тижорат банки ва «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки амалиётига жорий этилган («Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг 2018 йил 26 февралдаги 24-2-44/334-сон ва «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг 2018 йил 4 майдаги ТА01-11/3648-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши «Агробанк» акциядорлик тижорат банкида бизнес жараёнлари моделини такомиллаштириш ва инвестицион банк хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш имконини берган.

инвестицион банк функциясини бажаришда фонд рисклари ва операцион риск даражасининг ортишидан келиб чиқиб, рискларни бошқариш стратегиясини шакллантириш ва бозор рискларини ўлчашнинг VaR (value at risk) усулидан фойдаланиш таклифи «Агробанк» акциядорлик тижорат банки ва «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки амалиётига жорий этилган («Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг 2018 йил 26 февралдаги 24-2-44/334-сон ва «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг 2018 йил 4 майдаги ТА01-11/3648-сон маълумотномалари). Натижада «Агробанк» акциядорлик тижорат банки тузилмасида Банк таваккалчиликларини бошқариш бошқармаси тузилган, риск даражасини назорат қилиш бўйича ички ҳужжатлар ишлаб чиқилган, банк кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар улушини сезиларли даражада пасайтиришга эришилган (2018 йил 1 январь ҳолатига ушбу кўрсаткич 0,9%ни ташкил этган), қимматли қоғозлар ва инвестицион кредитлар портфелини шакллантиришда риск ва ликвидлиликнинг мақбул даражасини таъминлаш белгилаб олинган. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкида бозор рискларини баҳолаш, ўлчаш ва капитал етарлилигини ҳисоблашда бозор рискларини ҳисобга олиш амалиёти йўлга қўйилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (8 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инвестицион банк фаолиятини бошқаришнинг назарий-концептуал асослари**» деб номланган биринчи бобида банк фаолиятини бошқаришга оид назариялар тадқиқ этилиб тизимлаштирилган ва уларнинг асосий қоидаларининг моҳияти ва мазмуни ёритиб берилган, инвестицион банкларнинг фаолият кўлами ва йўналишлари, уларга хос хусусиятлар аниқланган, инвестицион банклар фаолиятини ташкил этиш моделлари ва уларда бизнес жараёнларини бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари асослаб берилган.

Тадқиқотда банк менежментига нисбатан назарий ёндашувлар қуйидагича гуруҳлаштирилган: мақсадга кўра бошқариш ёки мақсадли ёндашув; натижаларга кўра бошқариш назарияси; банк фаолияти йўналишларига кўра бошқариш назарияси; банк маркетингини бошқариш назарияси; молиявий оқимларни бошқариш назарияси; фоизларни бошқариш назарияси; муаммоларга кўра бошқариш; қиймат асосида бошқариш.

Муаллиф, банк менежментига оид концепциялар таҳлили асосланиб, банк муассасаларини бошқариш жараёндаги кадриятлар, рискларни бошқариш, персонал фаолияти самарадорлигини баҳолашга ёндашувлар замонавий шарт-шароитлар, ахборот ва коммуникация технологияларини бизнесда қўллаш кўламининг ортиши ҳисобига такомиллашиб, мазмунан бойиб бораётганини таъкидлайди.

«Инвестицион банк» тушунчаси моҳиятига ёндашувлар таҳлилига кўра, инвестицион банк тушунчасига нисбатан илмий адабиётларда ягона ёндашув мавжуд эмас. Бу борада иқтисодчи олимлардан Т.Хартманн-Венделс, М.Вебер, Ф.Аллен, А.Сантомеро, С.Жеффер, Х.Дэвис, Д.Ананд, А.В.Рамазанов, О.Ю.Свиридов, А.Н.Буренин, Я.М.Миркиннинг тадқиқот ишларида инвестицион банк фаолиятига турли хилдаги таърифлар берилган⁶.

⁶ Hartmann-Wendels T., Pfingsten A. and Weber M. Bankbetriebslehre, 5th ed., Springer: Berlin Heidelberg. 2010 – P.16; Allen F. and Santomero A.M. 1997. The Theory of Financial Intermediation. Journal of Banking and Finance 21. 1461 – 1485.; Sohail Jaffer. Islamic Investment Banking: Emerging Trends, Developments and Opportunities. London, Euromoney Institutional Investor PLC, 2010 – P. 21; Davis H. The Definition of Structured Finance. Results from a Survey. The Journal of Structured Finance. – 2005 – №3. – P. 5-10; Anand D.N., Galetovic A. Investment Banking and Security Market Development: Does Finance Follow Industry? – Harvard: HUP, 2001 – P. 9; Рамазанов А.В. Направления регулирования инвестиционной активности участников фондового рынка. Экономика и управление. 2013 – №1(12) – 119-121 с.; Свиридов О. Ю. Банковское дело: 100 экзаменационных ответов. №3. Ростов н/Д. Март, Феникс, 2010 – 45 с.; Буренин А.Н. Рынок ценных бумаг и производных финансовых инструментов: учеб. пособие – М., 1-я Федеративная Книготорговая Компания, 1998 – 30 с.; Миркин Я.М. Рынок ценных бумаг: Учеб. пособие – М., 2002 – 56–57 с.;

Масалан, Т.Хартманн-Венделс ва М.Веберлар даромадининг ярмидан ортигини фонд бозоридаги операциялардан оладиган тижорат банкларини инвестицион банклар сифатида эътироф этадилар. Ф.Аллен ва А.Сантомеро эса инвестицион банк деганда муайян бизнес соҳада фаолият юритувчи тижорат банки ёки инвестицион банк сифатидаги алоҳида институционал шаклни эмас, балки турли молиявий маслаҳатлар берувчи малакали воситачиликни тушунишни муҳим деб ҳисоблайдилар. Я.М.Миркин инвестицион банкларни тижорат банклари билан ўхшаш эканлиги – ҳар бири молиявий воситачи ҳисобланишини таъкидлаб, тижорат ва инвестицион банкнинг ўзаро фарқини қуйидаги жиҳатлар билан асослашга ҳаракат қилади: фойдаланиладиган молиявий инструментларнинг турли туманлиги; тузиладиган битимларнинг муддати узунлиги.

Шунингдек, муаллиф кўпчилик тадқиқотчиларнинг банклар инвестицион фаолиятини инвестицион банкинг сифатида эмас, балки банк операцияларининг алоҳида тури сифатида ўрганиб чиқишларига муносабат билдириб, бу ҳолатни миллий шароитларда молиявий ресурслар ва фонд бозорининг етарлича ривожланмаганлиги ҳисобига тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари чекланиши билан изоҳлайди.

Муаллифнинг фикрича, инвестицион банк фаолиятини воситачилик ва мулк савдоси бўйича ажратиш мақсадга мувофиқдир (1-расм). Шундан келиб чиқиб, воситачилик фаолияти таркибан бирламчи бозорга инвестицион банк маҳсулотларини таклиф этиш; молиявий маслаҳатлар; иккиламчи бозорда мавжуд маҳсулотлар билан савдоларни амалга ошириш кабиларни қамраб олади. Мулк савдосида инвестицион банклар операцияларни ўз номидан ва ўз маблағи ҳисобига амалга оширади.

Тадқиқотда инвестицион банклар бажарувчи вазифалар муаллиф томонидан қуйидагича тизимлаштирилган: пул маблағларини жамлаш; пул маблағларини қайта тақсимлаш; диверсификация ёрдамида рискни камайтириш; муомала харажатларини камайтириш.

Бундан ташқари, инвестицион банклар молиявий бозор сегментини тартибга солиш каби муҳим макроиктисодий вазифани ҳам бажариши таъкидланган. Чунончи:

маркет-мейкер сифатида бирор-бир молиявий воситанинг ликвидлилигини таъминлайди ва уларга нисбатан ҳаққоний баҳо белгиланишига кўмаклашади;

молия бозорининг профессионал иштирокчиси сифатида молия бозорининг фаолият юритишини ҳам таъминлайди, чунки харидор ва сотувчисиз бозорнинг ўзи ҳам мавжуд бўлмайди;

андеррайтер сифатида инвестицион банклар фонд бозорида савдо объекти саналган ва муайян ликвидликка эга молиявий маҳсулотларни яратади.

Тадқиқотда инвестицион банк фаолияти ривожланиш даражасини белгилаб берувчи асосий омиллар сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган:

иктисодиётнинг барқарор ривожланиши;

ривожланган қимматли қоғозлар бозори мавжудлиги;
ривожланган ва самарали фаолият юритувчи кредит тизими мавжудлиги;


инвестицион фаолиятни тартибга солишнинг мукамал ҳуқуқий тизими мавжудлиги;

миллий ва халқаро бозорларда инвестицион фаолликнинг ўсиши;
корпоратив сектор капиталлашув даражасининг ортиши ва узоқ муддатли ресурсларга талабнинг ортиши;

компанияларнинг доимий ўсиб боровчи ресурсларга талабини банк сектори томонидан қондириш имкониятининг чекланганлиги;

рискларни камайтириш, уни диверсификациялаш ва тақсимлаш амалиёти ривожланиши;

инвестицион-банк воситачилик амалиётининг муваффақиятли ривожланиши.



1-расм. Инвестицион банк фаолиятининг туркумлиниши⁷

⁷ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Шунингдек, банкларнинг бизнес юритиш моделларини таснифлаш бўйича ягона ёндашув мавжуд эмаслигига қарамай, банк моделларини ўзаро фарқлашга асос бўлувчи мезонлар белгиланиб ва улар асосида банкларнинг бизнес моделлари таснифланган. Таснифга кўра чакана ресурс таъминотли бизнес модели, улгуржи ресурс таъминотли модель ва капитал бозорига йўналтирилган моделнинг хусусиятлари изоҳлаб берилган.

Муаллиф кейинги пайтларда универсал банклар томонидан қўлланилган самарадорликни оширишга қаратилган стратегияларни таҳлил қилиш асосида улар орасидаги етакчи стратегиянинг умумий элементларини кўрсатиб берган (2-расм).



2-расм. Универсал банкларнинг самарадорликни ошириш стратегияси⁸

Муаллифнинг фикрича, банкларнинг бизнес моделлари ўзгаришига сабаб бўлувчи омиллар сирасига банк фаолиятини тартибга солиш тизимидаги ўзгаришлар, банк операциялари технологияларидаги ўзгаришлар, мижозлар эҳтиёжлари ўзгариши, иқтисодий муҳитнинг ўзгариши кабиларни киритиш мумкин.

Тадқиқотда таъкидланишича, банк хизматлари бозоридаги рақобатнинг кучайиши банкларни бошқариш тизими трансформацияси, банк маҳсулотини яратишдан кўра, уни сотишни банк фаолиятининг энг устувор йўналишига айланишини тақозо этди. Бошқа томондан, фан-техника тараққиёти ва унинг энг янги ютуқларидан банк фаолиятида фойдаланиш банк технологиялари ва коммуникация тизимларида принципиал ўзгаришларга олиб келди.

Диссертациянинг «**Инвестицион банк фаолиятини тартибга солиш ва бошқаришнинг замонавий халқаро амалиёти**» деб номланган иккинчи бобида инвестицион банклар фаолиятини тартибга солиш бўйича Базель кўмитаси талаблари, банкларда корпоратив бошқарув бўйича халқаро

⁸ Тадқиқот натижаларига асосланиб диссертант томонидан тузилган.

стандарт талаблари, шунингдек, АҚШ ва Европада инвестицион банк фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш тизимини модернизация қилиш амалиёти тадқиқ этилган.

Муаллиф банк муассасаларининг бизнес юритиш моделларидан қатъий назар капитал етарлилиги масаласи доимо тартибга солувчи органлар эътиборида бўлишини таъкидлаб, диссертацияда Банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган сўнгги стандартлар, хусусан, «Базель III» хужжати талабларини таҳлил қилади. Ушбу янги хужжат доирасидаги чоралар қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

банк секторининг молиявий-иқтисодий тангликдан келиб чикувчи инкирозларга қарши тура олиш имкониятини юксалтириш;

риск-менежмент ва бошқарув сифатини ошириш;

банкларнинг шаффофлигини кучайтириш.

Диссертацияда таъкидланишича, Банк назорати бўйича Базель кўмитасининг консультатив хужжатларидаги янги тавсияларга мувофиқ, банк муассасалари капитал ва ликвидлилигини тартибга солишда қуйидагиларга риоя этишлари белгиланган:

банк капитали сифати ва шаффофлигини ошириш юзасидан амалдаги стандартларни (Базель-II) қайта кўриб чиқиш, хусусан, I даражали капиталнинг муҳим ва етакчи шакллари сифатида оддий акциялар ва тақсимланмаган фойдага устуворлик бериш;

секьюритизацияланган позициялар бўйича банк капиталига нисбатан кўшимча талабларни белгилаш;

капитал етарлилигини баҳоловчи кўшимча кўрсаткич – левереж (leverage ratio) коэффицентини (ўз маблағлари ва қарз маблағлари нисбати) киритиш. Бунда коэффицентнинг ўртача чораклик даражаси ҳисобланади ва дастлабки босқичда унинг меъёрий даражаси 3 фоиз этиб белгиланган;

даврий салбий таъсирни камайтириш мақсадида иқтисодий ўсиш фазасида регулятив капиталга қўйилган минимал талаблардан ошадиган капитал захирасини шакллантиришга нисбатан кўшимча талабларни жорий этиш, шунингдек, эҳтимоли мавжуд йўқотишларга нисбатан захираларни шакллантириш;

халқаро бозорларда фаолият юритувчи банклар учун ликвидлиликни бошқариш бўйича кўшимча талабларни, хусусан, яқин 30 кун мобайнида банкнинг ўз фаолиятини давом эттириш қобилиятини баҳолаш имконини берувчи минимал ликвидлилик коэффицентини (liquidity coverage ratio), шунингдек, 1 йиллик вақт диапазонида банк ликвидлилигини баҳолаш имконини берувчи узок муддатли ликвидлилик (longer-term structural liquidity ratio) коэффицентини жорий этиш.

Базель кўмитасининг Базель-III стандартларини жорий этиш республикамиз банклари учун ривожланиш стратегиясини белгилаб олишда долзарб ҳисобланади. Чунончи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги ПҚ-2344-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банк назорати бўйича Базель қўмитасининг Базель-III стандартларининг 2015-2019 йилларда босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш юклатилган.

Муаллиф фикрича, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг корпоратив бошқарув тамойиллари асосида Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган банкларда корпоратив бошқарув тамойиллари инвестицион банкларнинг фаолиятида рискларни камайтириш, молиявий ресурсларни нисбатан арзон жалб этиш, банк бошқаруви ва назорат органлари ўртасидаги самарали муносабатларни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, корпоратив бошқарув жараёнида Кузатув кенгаши рискларни бошқаришнинг самарадорлиги юзасидан масъулиятни ўз зиммасига олади. Рискларни бошқаришнинг самарали тизими рискларни бошқариш бўйича юқори маданият, риск-аппетит стратегияси доирасида риск-аппетитга нисбатан ишлаб чиқилган батафсил ёндашувлар, шунингдек, рискларни бошқариш ва ички назорат бўйича бошқа таркибий бўлинмалар ходимларининг мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйишни тақозо этади.

Тадқиқотда АҚШнинг инвестицион банк фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш амалиёти инвестиция банкларининг тижорат банк фаолияти билан шуғулланиши таъқиқлаб қўйган 1933 йилда АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган Глэсс-Стигел қонунидан тартиб, 2008 йилда юз берган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга жавобан қабул қилинган «Додд-Фрэнк» қонуни (2010 й.) ва «Волкер қонидаси»гача (2014 й.) бўлган барча ўзгаришлар тизимли равишда таҳлил қилинган. Хусусан, «Додд-Фрэнк» қонуни билан банклар I даражали капиталининг 3 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда хежирлаш фондлари ва хусусий инвестиция фондларига маблағларни жойлаштириши ҳамда ушбу фондлар капиталининг 3 фоизидан кўп бўлмаган миқдорига эга бўлиши мумкинлиги белгиланди. Натижада Goldman Sachs, Citigroup ва JP Morgan каби йирик инвестицион банкларнинг хусусий инвестиция компаниялари ва хежирлаш фондларига жойлаштирган маблағларини камайтиришларига тўғри келди.

Бироқ, АҚШда инвестицион банк фаолиятини тартибга солиш тизимининг кучайтирилиши ушбу қонун билан чекланиб қолмади. «Волкер қонидаси» деб ном олган янги тартиб молиявий муассасаларнинг АҚШ Федерал депозитларни суғурталаш қўмитаси томонидан кафолатланган депозитлардан фойдаланган ҳолда хеж-фондлар ва кўчмас мулк фондларига эгалик қилиш, уларга инвестиция киритиш каби операцияларидан маҳрум этишни кўзда тутди.

Шу билан бирга инвестицион банклар даромадининг муҳим қисмини таъминловчи бирлашиш ва қўшиб олишлар (M&A) битимлари билан операцияларни тартибга солиш тизимига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Хусусан:

молиявий холдинг компаниялари ташаббуси билан 25 млрд. АҚШ

долларидан ортиқ йиғма (консолидациялашган) активларга эга номолиявий компанияни сотиб олиш бўйича барча битимлар даставвал Федерал захира тизими томонидан маъкулланиши керак;

Грэм-Лич-Билайли қонуни билан рухсат этилган молиявий операцияларни амалга оширувчи, 10 млрд. АҚШ долларидан ортиқ активга эга компанияларни банк холдинг компаниялари ташаббуси билан сотиб олиш бўйича барча битимлар даставвал ФЗТ томонидан маъкулланиши зарур;

Агар М&А битимига қадар банкнинг депозит базаси ёки М&А битимидан сўнг юзага келувчи янги банкнинг депозит базаси барча АҚШ банклари депозит базасининг 10 фоизидан ортиқ бўлса, М&А операцияларини амалга оширишга рухсат берилмайди.

Муаллифнинг фикрича, АҚШда тижорат ва инвестицион банклари бирлашиши доирасида универсаллашувнинг мустақил инвестицион банк моделига нисбатан қуйидаги устунликлари юзага келиши мумкин. Биринчидан, айнан бир мижознинг қимматли қоғозлари бўйича андеррайтинг ва уни кредитлаш фаолияти уйғунлашувида юзага келувчи синергия самараси, мижоз молиявий ҳолатини мониторинг қилиш заруратидан келиб чиқиб, кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамлиги тижорат банкига, инвестицион банкка нисбатан, мижознинг фонд бозорига чиқиши параметрларини янада яққолроқ аниқлаш имконини беради.

Иккинчидан, жисмоний шахсларнинг омонатлари кўринишидаги ресурс базасига эга бўлиш банк баланси пассивининг барқарор қисмини таъминлайди.

Учинчидан, тижорат банки мақоми ФЗТ воситаларидан (қайта молиялаш операциялари, дисконт ойнаси (discount window)) фойдаланиш орқали ликвидлилик манбаларини кенгайтириш имконини беради.

Тўртинчидан, жорий баҳолар асосида қайта баҳолаш («mark to market») тамойилига мувофиқ операциялар ҳисобини юритиш инвестицион банк балансида актив қийматидаги ўзгаришларни (пасайишлар) мунтазам қайд этишни талаб этади. Тижорат банклари учун актив қийматининг ўзгариши (пасайиши) контрагент дефолтга учрагандагина балансида акс этирилади, унганча эса номинал қиймат бўйича ҳисоб олиб борилади. Шундай қилиб, активлар қийматининг пасайиши тижорат банки барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмайди, шунингдек, банк ихтиёрида қиймат йўқотишларини қоплаш учун ликвидлилик манбасини топиш учун ҳам етарлича узок вақт бўлади.

Диссертацияда таъкидланишича, Европада инвестицион банклар фаолиятини тартибга солиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар АҚШдагидан муайян маънода фарқ қилади, яъни АҚШда депозит институтларига қимматли қоғозлар билан ўз ҳисобидан операцияларни амалга ошириш ва хеж-фонд ҳамда бошқа инвестицион фондларга инвестиция киритиш таъқиқланган бўлса, Европада бундай операциялар тўлалигича бекор қилинмаган. Бошқача айтганда, Европада депозитлар билан ишловчи инвестиция банкларига юқорида келтирилган операцияларни

тўхтатиш ёки шуъба корхонаси орқали амалга ошириш танлови тақдим этилди. Бироқ, янги ташкил этилиши кўзда тутилаётган шуъба корхонаси алоҳида тартибга солиш объекти ҳисобланади ва мустақил юридик шахс сифатида айнан рискли фаолиятни амалга ошириш учун тузилади. Бу шуъба чакана миқозлардан депозит қабул қилиши ва улар учун тўловларни амалга ошириши қатъиян ман этилади⁹. Шунингдек, ушбу шуъба капиталига индивидаул тартибда нормативлар белгиланади¹⁰.

Муаллифнинг фикрича, юқоридаги қоидалар негизида ётган ғоя шундан иборатки, депозиторларнинг активлари рискли фаолият ҳисобига юзага келувчи йўқотишлардан холи бўлади, айти пайтда банклар гуруҳининг бундай операциялардан фойда олиш имконияти ҳам сақлаб қолинади. Германия ва Францияда жорий этилган янги чора-тадбирларнинг яна бир ўзига хос жиҳати бу тадбирларнинг фақатгина тизим нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланган (тизимни ташкил этувчи) йирик банк институтларига нисбатан қўлланишидадир.

Тадқиқотда таъкидланишича, Германияда давлат ва жамғарма банклари (Sparkassen and Landesbanken), хусусий банклар ва кооператив банклардан ташкил топган уч поғонали банк тизимини намоён этувчи банк ҳамжамияти инвестицион ва тижорат банк фаолиятини ажратишни узоқ йиллар синовдан ўтган универсал банк модели учун хавф сифатида баҳоламоқда.

Бундан ташқари, Буюк Британия ёндашуви, яъни «Виккерс қоидаси» инвестицион ва улгуржи банк фаолиятининг кенг доирасига эътибор қаратади. Депозит қабул қилувчи молия муассасалари инвестиция билан шуғулланишдан (қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, андеррайтинг, шартнома асосидаги инвестициялар) махрум этилгани ҳолда улгуржи ва инвестицион банклар томонидан амалга оширилаётган дериватив ва савдо операцияларини чакана банк фаолияти билан умуман шуғулланмайдиган мустақил юридик шахсга ўтказишни тақозо этади.

Бошқача айтганда, банк бўлинмаларининг капитал бозоридаги фаолияти натижалари (зарарлари) чакана банк хизмати соҳасидан келадиган фойда ва капиталлашув ҳисобига қопланмаслиги зарур. Янги тартиб-қоидалар Буюк Британия капиталлар бозорида фаолият юритувчи ва йирик битимларни амалга оширувчи банклар хизматларининг қимматлашувига олиб келади. Бундай банклар қаторига, биринчи навбатда, Barclays ва RBS кабиларни киритиш мумкин.

Муаллифнинг фикрича, манфаатлар қарама-қаршилиги концепцияси инвестицион банкларнинг қимматли қоғозларни жойлаштиришдаги устунлиги ва мустақил инвестицион банк модели самарадорлигини асослаш учун хизмат қилади. Бу ўринда, универсал банк тузилмаси доирасида манфаатлар қарама-қаршилиги икки хил йўналишда юз беради.

⁹ Art. 511-48-I Code monétaire et financier (French Financial Services Act); § 25f(6) Kreditwesengesetz – KWG (German Banking Act).

¹⁰ Art. 511-48-I Code monétaire et financier (French Financial Services Act); § 25f(2) Kreditwesengesetz – KWG (German Banking Act).

Биринчидан, қарз олувчи ҳолатини мониторинг қилар экан, банклар мижознинг молиявий ҳолатидан тўлиқ хабардор бўлади. Мижознинг молиявий ҳолати ёмонлашганда, банк кредит қайтмаслиги рискани камайтириш мақсадида қимматли қоғозлар бозори орқали инвестор ишончини қозонган ҳолда мижоз учун қўшимча ресурсларни жалб қилиши ҳамда тушган маблағларни кредитни қайтаришга йўналтириши мумкин.

Иккинчидан, банклар ўз маблағларини энг ишончли мижозлар категориясига тақдим этган ҳолда фонд бозори инструментлари орқали маблағ жалб қилишни ишончлилиги паст бўлган мижозлар гуруҳигагина таклиф қилиши мумкин. Бу орқали банк мижозларига берилган маблағларнинг қайтмаслиги рискани камайтиришга интилади.

Бундан кўринадики, инвесторлар, манфаатлар қарама-қаршилигини ҳис этган ҳолда, универсал молиявий воситачидан жойлаштирилган қимматли қоғозлар даромадига қўшимча тарзда мукофот талаб қилишлари мумкин. Шундай қилиб, мустақил инвестицион банк манфаатлар қарама-қаршилигига йўл қўймаган ҳолда инвесторлар учун қарз олувчи (эмиссия қилувчи) билан муносабатда янада ишончлироқ воситачи бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, инвестицион банкларнинг фонд бозоридаги мураккаб тузилмали молиявий воситалар билан спекулятив фаолияти шиддат билан ривожланиши ва уни тартибга солишнинг самарали механизми ишлаб чиқилмаганлиги боис ипотека қимматли қоғозлари бозорида глобал молиявий инқирозга сабаб бўлган тангликни келтириб чиқарди.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ўзбекистонда тижорат банклари бошқаруви тизими ва инвестиция фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишлари»**га бағишланган бўлиб, унда республикаимиз банкларида корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг замонавий тенденциялари аниқланган ва баҳоланган, республикаимиз банкларининг инвестиция фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган, шунингдек, инвестицион банк фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланган.

Тадқиқотда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4720-сон фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган Корпоратив бошқарув кодекси акциядорлик жамиятлари бошқаруви амалиётига фаол жорий этилмоқда. Кодекс тавсияларига кўра, акциядорлик жамиятлари кузатув кенгаши аъзоларининг мукофот пули миқдори акциядорлик жамияти молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижаларига боғланиши белгиланган.

Муаллифнинг фикрича, республикаимиз тижорат банклари корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришда корпоратив бошқарувнинг халқаро амалиётида мавжуд қуйидаги тенденцияларни ҳисобга олиш зарур:

мустақил директорлар (Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари)

салмоғининг ортиб бориши ва аъзолар мустақиллигига нисбатан мезонларнинг кучайтирилиши;

кузатув кенгаши фаолияти самарадорлигини баҳолаш амалиётининг ривожланиши;

ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларининг (KPI – key performance indicators, MBO – management by objectives, BSC – balanced scorecard) фаол жорий этилиши;

ички назорат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш;


топ-менежерлар мукофотлари тўғрисидаги ахборотларнинг очиқлигини таъминлаш;

корпоратив бошқарув тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

акциядорларнинг фаоллашуви ва акциядорларга ҳисобдорликнинг кучайиши.

